

МАМАДАЛИ МАҲМУД (ЭВРИЛ ТУРОН) ОЗОД ҚИЛИНДИ



Ўзбекистондан сўнгги олинган хабарларга кўра миллатпарвар ёзувчимиз

Мамадали Маҳмуд (Эврил Турон) 1999 йил 19 апрел куни қамоқхонадан озод қилинган. У кўплаб ногуноҳ инсонлар қатори 1999 йилдаги Тошкент портлашларидан кейин жиноий жавобгарликка тортилган ва 14 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мамадали Маҳмуд совет давриданок ўзининг миллатпарварлиги билан ажралиб турган машҳур ёзувчимиздир. У мустақиллик йилларида Ўзбекистон Маданият Фондини Риси ҳам бўлган.

1999 йил қамалишдан олдин ҳам ёзувчига Ўзбекистонда Каримов диктатурасига қарши турганлиги учун турли тўхматлар уюштирилган ва унга қарши жиноий ишлар очилган. Мамадали Маҳмуд ҳеч шубҳасиз мустақил Ўзбекистоннинг ҳақиқий қаҳрамонларидандир. Уни озодликка эришгани билан табриклаймиз, тез фурсатда соғлигининг тикланишини умид қиламиз ва ижодига баракат тилмаймиз.

ЎХХ Тарғибот Бўлими

БИРЛАШИШНИНГ МОҲИЯТИ

Ҳозир Ўзбекистон халқи вакилларининг Каримов диктатурасига қарши бирлашиши сув ва ҳаводек зарурлигини ҳамма тушуниб этади. Чунки Ўзбекистон диктатори “бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда” холга келиб қолган. У курган сиёсий режим фақат унинг “ўзига хос ва ўзига мос” эди.

Яъни, бу золим режимнинг ҳеч қандай мафкураси йўқ ва унинг амалий сиёсати Ўзбекистоннинг келажаги учун фойдали ҳисобланмайди. Шунингдек, Ўзбекистонликлар учун Каримов диктатурасидан “нормал”, яъни эркинлик, адолат ва қонун устун бўлган жамиятга ўтиб олиш олиш унчалик осон бўлмаслиги ҳам маълум бир ҳақиқатдир.

Бундай ҳолда, яъни диктатурадан тараққийга олиб борадиган ўтиш даври йўлида халқимиз вакилларининг бирлашишдан бошқа чораси йўқлигини яна бир таъкидламоқчиман. Аммо бирлашишнинг гоёси нимадан иборат бўлиши керак ва у қандай амалга ошади?

Ҳозирги кундаги бирлашишни мутлақ талаб ўрнида кўриб, уни “Куллик ва зулм” режимига қарши “Эркинлик ва Адолат” Платформи (ижтимоий сиёсий майдон), деб аташ мумкин менимча. Бундай бирлашувга сиёсий ҳаракатлар, партиялар, инсон ҳуқуқлари жамиятлари, мусулмон жамоатлари, зиёлилар ва оддий фуқаролар иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида айтмоқчи-манки, бундай бирлашув турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига мос бўлгани каби, ҳеч қандай гуруҳга қирмаган оддий фуқароларнинг ҳам манфаатларига мосдир. Айниқса, ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари паймол қилиниши натижаси дунёнинг турли мамлакатларига тарқалиб кетган, бу хорижий давлатларда ҳеч қандай ҳуқуқсиз “қора” ишчи сифатида кун ўтказаётган ва ватанимизга

қайтишни интизорлик билан кутаётган миллионларча чорасиз муҳожирларимиз учун бундай иш ва куч бирлиги ниҳоятда қатта аҳамият касб этади.

Бундай бирлашувнинг ўрнагини Тунис ва Мисрда халқ намоийшларида кўрган эдик. Бу халқ инқилобларида мусулмонлар ва ғайримусулмлар, миллатчилар ва либераллар, бойлар ва камбағаллар, кексалар ва ёшлар, эркаклар ва аёллар биргаликда маҳаллий диктаторларга қарши елкама елка турган эдилар.

Ҳамма куллик ва зулмга барҳам берилиб, эркинлик ва адолатнинг таъсис этилишини истаганди. Шунинг учун ҳам сафлар жипслашган, орадаги тафовутлар орқа планга отилган, умумий мақсад ва халқнинг ғалабаси ҳамманинг истагига айланганди.

Бундай бирлашувда бир -бирларини хоинликда, радикаликда айбашларга ўрин берилмаганди, бир гуруҳ ўзини иккинчисидан устун кўрмаганди, аксинча ўзаро ёрдамлашиш ва бир -бирини тушунишга уриниш устун эди.

Албатта, бундай бирлашиш мутлақ ҳамманинг эмас, сифатли кўпчиликнинг бирлашиши ўрнида кўрилиши керак. Чунки халқ ҳам, уни тамсил қиладиганлар ҳам ҳеч бир замон мутлақ ҳамманинг бирлашишига эриша олмайдилар. Бу амалга ошмайдиган иш эканлиги тарихий бир ҳақиқатдир.

Ҳозирда бундай сифатли кўпчиликнинг бирлашувини ЎХХ, мустақил инсон ҳуқуқлари жамиятлари, мусулмон жамоатлар, зиёлилар гуруҳлари ва оддий фуқароларимиз бир сиёсий ПЛАТФОРМ да (ижтимоий сиёсий майдонда) бирлашиб амалга оширишлари мумкин.

Бунинг учун интернетдаги “КАРИМОВ КЕТ” гуруҳидан фойдаланишимиз мумкин. Зеро, бу гуруҳда ҳаракатимиз вакиллари билан бирга бошқа ташкилот-



лар, зиёлилар ва оддий фуқароларимиз иштирок этиб келишмоқда.

Албатта, мақсади халқимиз ва ватанимизнинг тараққийоти, эркин ва адолатли жамият қуришдан иборат бўлмаган шахслар ва гуруҳлар бундай бирлашишга қарши яна ҳақорат ва ғийбат компаниясини бошлатишлари аниқдир. Аммо “чумчуқдан кўрққан тарик экмайди” дейдилар.

Муҳими яхши ниятли, тараққийпарвар ва адолатпарвар инсонларимизнинг ҳозирги тарихий босқичда куч бирлиги учун ҳаракат қилишларидир. Чунки Каримов диктатурасининг туғаши (бу диктаторнинг ўлими, сарой тўнтариши, халқнинг инқилоби шаклларида ёки бошқа шаклда бўлиши мумкин) ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонликлар учун тарихий босқич ҳисобланади.

Бунинг маъноси бу босқичда Каримов диктатураси ўрнига янги шунга ўхшаш бир диктатура ўрнатилишига имкон бермай, ватанимизда янги жамият ва давлат қуриш учун имкон мавжудлигидир. Бу янги жамият ва давлат инсон ҳуқуқларини, эркинлик ва адолатни, халқимизнинг миллий ва эътиқодий қадриятларини устун қилишга асосланиши керак.

Шундай экан бу босқичга бефарқ бўлмаслик ва янги жамият қуриш учун ўз хиссасини қўшиш ҳар бир ҳамюртимизнинг вазифаси ҳисобланади. Барча ҳамюртларимизни мана шундай яхшилик ва тараққийот йўлида ҳамкорликка қақираман.

Намоз Нормўмин

ДИКТАТОР КАРИМОВНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎХХ МУАССИСЛАР МАЖЛИСИНИНГ БАЁНОТИ

СССР тарқалиб кетгандан кейин Ўзбекистон ва Россия халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоларига айландилар. Ушбу ҳақиқатнинг натижаси ўларок давлатларимиз орасида ўзаро хурматга ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган муносабатларнинг таъсис этилиши зарурий эди. Фақат асосан Ўзбекистонда И. Каримов диктатурасининг ўрнатилиши давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар даражасига салбий таъсир қилибгина қолмай, Ўзбекистоннинг миллионлар-

ча фуқароларининг бутун дунёда, шу жумладан Россияда ҳам ноқонуний қочоқларга айланишига олиб келди. Шунини эътиборга олиб, ЎХХ Муассислар Мажлиси қуйидаги баёнотни ўзбек ва дунё жамоатчилига билдиради:

1. Ўзбекистондаги Ислоҳ Каримов ҳукумати қонуний эмас, бу ҳукумат ўзбек халқининг миллий иродасини ифодаламайди. Россия ҳукуматини ушбу диктатуранинг ҳеч бир шаклда қўллаб қувватлашмасликка, аксинча халқаро сиёсатдаги таъсирдан фойдаланиб,

ушбу диктатуранинг тугатилишига ўз ҳиссасини қўшишга чақирамиз.

2. Диктатор Каримов билан музокаралар давомида Россия томонидан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари қўпол поймол қилинаётгани, айниқса ватанимиз камокхонларида бегуноҳ қамалган инсонлар шафқатсиз қийноқларга солинаётгани мавзусини кун тартибига келтириши ва Ўзбекистон томонидан бундай гайриинсоний сиёсатга барҳам беришни талаб қилишини сўраймиз.

3. Каримов диктатураси туфайли Россияга қочок сифатида иш излаб борган ҳамюртларимизнинг ҳуқуқларининг қонун билан ҳимояланишини талаб қиламиз.

ЎХХ Муассислар Мажлиси



Мен ИАКни Россияга сафари ҳақида бирор маълумот бўлса кўрсатишарди. Демак, келмаган шекли деган фикрга бордим.

Бир пайт “Бугун Президент Путин Кремлда Ўзбекистон Президенти ИАКни қабул қилди” деб қолди. Қарасам ИАК Путинни олдида қўлини узатиб келаяпти Путин ўнг тарафдан чиқиб, у билан саломлашиб суратга тушишди.



ПУТИН ИАК ГА БЕПИСАНДЛИГИНИ НАМОЁН ҚИЛДИ

Кеча 14 апрелда барча русийзабон сайтларни ва Русия ТВ каналларини қараб чиқиб ИАК ни Москвага ташрифига доир бирорта хабар топмадим. Бу ҳақда фақат «Озодлик радиоси»дагина қисқагина қилиб, “Ўзбекистон президенти Москвага етиб борди” деган хабар бор эди халос. Бугун 15 апрелда мактабдан келиб одатим бўйича, Русия канали НТВдан янгиларни кўра бошладим. Фикримча, бугун улар ИАКни ташрифига доир маълумотларни бериши лозим эди. Одатда бирор мамлакат президенти бошқа мамлакатга борса, уни Аэропортдан дабдаба билан кутиб олишар ва қоровуллар саф тортиб турган йўлақдан юриб машинага чиқиб кетишарди. Тасаввуримда ўшанга ўхшаган бирор лавҳани кўришни кутгандим.

Москва вақти билан соат 16:00 да бошлаган “Новости” дастури бошловчиси Елена Венник янгиларни бош мавзуси билан таништири бошлади.

Белгияда аварияга учраган Россиялик ўсмирлар қайтиб келгани, Шимол Кореядаги диктаторни туғилган кунига бағишланган “бемаъни” байрам, Венесуеладаги сайлов ва Кипрдаги пулини йўқотган сармоядорларга Кипр фуқаролигини беришлиги ва ҳаказо.

Мен бугун ИАК Россияга келмаганим ё нима бўлган экан деб ҳайрон бўлдим. Жим ўтириб қузата бошладим. Юқоридаги мавзуларда батафсил маълумотлар берилди. Ва Путин Медведевни қабул қилгани ҳам кўрсатилди. Ярим соатлик кўрсатув тугашига оз қолганди.

Муомалани совуқлигини шундай тушуниш мумкин эди.

Путин ИАКни Аэропортда кутиб олмаганди. ИАК Путин учун қадрли “меҳмон” эмасди.

Ва ҳатто Россия ОАВлари ҳам бу ташриф ҳақида бир минутга етмайди-ган лавҳани эфирга узатишлари бежиз бўлмаса керак.

Ташриф Россия президенти Владимир Путин таклифига кўра амалга оширилаётган эсада, Путин меҳмонига беписанд эканини ошқора намоён қилаётганди.

ОДКБдан Тошкент ўтган йили чиқиб кетганини эслатар экан, диктор учрашувда ИАКни Путинга қараб сохта кулимсираб, “Россияни регионда бўлишлиги бизни хавфсизлигимизни таъминлайди” деган мунофиқона гапларини эшиттирди.

2005 йилда Андижон фожеъасидан кейин, Ғарбнинг жазосидан кўрқиб Путин олдида юрган ва Россия билан ҳарбий стратегик ҳамкорлик шартномасини тузган ИАК кейин унга ён босмаган ва ундан тобора ўзини олиб қочишга ҳаракат қилаётганди.

Путин 8 йил олдинги алданганини унутмаган кўринади. Бу кунги ИАКнинг сафсаталарига ишонмаган бўлиши эҳтимол. Чунки, унга бўлаётган совуқ муносабат буни кўрсатиб турибди.

Бу эса ИАКни халқаро майдондаги обрўи бир пулга қимматлигини кўрсатувчи фактордир.

Бу ИАКнинг кунини тугаганини кўрсатувчи очиқ ойдан ишоратдир.

М Абутов.

ТОВУС ПАТИ ОРТИГА ЯШИРИНГАН ТЎНҒИЧ ҚИЗ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида ва олийгоҳларда “Қизлар, жамият ва миллат келажаги” мавзусида махсус мажлислар уюштирилган ҳафтада Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги мулозими Гулнора Каримова ўзининг Instagram тармоғидаги саҳифасида ярим яланғоч суратларини эълон қилди.

Гулнора Каримова ўзининг Instagram саҳифасида эълон қилган суратларда, президент қизи елкалари яланғоч тарзда бадани товус патлари билан ёпилган.

Instagram муштарийлари тарафидан олқиш ва офаринларга сабаб бўлган бу тасвирларда Гулнора Каримова елкалари яланғоч тарзда бадани товус патлари билан ёпилган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда ўзбек талаба қизлари қўл телефонларида яланғоч ёки ярим яланғочлар тасвири бўлишига тақиқ қўйилди.

Гулнора Каримова ўзининг Instagram саҳифасига жойлаштирган ярим яланғоч суратлари ўзбек талаба қизлари смартфонидан чиқиб қолгудек бўлса, жазога тортиладими, йўқми деган савол жавоби ҳозирча очиқ қолмоқда.

Шухрат Бабажанов

МИРЗИЁЕВ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МАОШЛАРИГА КЎЗ ОЛАЙТИРМОҚДА

Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев бюджет танқисилигини олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг маошлари эвазига тўлдирмоқчи. Шу сабабдан унинг ташаббуси билан Тошкентдаги қатор университет ва институтларда прокуратура текширувлари бошланган. Хусусан, Тошкент Молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва бошқа бир неча олий ўқув юртларида кенг қамровли тафтишлар бошланган.

“Қизиғи шундаки, Бош вазирнинг махсус топшириғи бўйича келган текширув “десанти” институтимизнинг молиявий ишларини эмас, балки фақат кафедралар ва оддий профессор-ўқитувчиларнинг 5-6 йиллик фаолиятини тафтиш қилиш билан банд”, — дейди Тошкент Молия институтида ишлаётган ўқитувчи. Унинг айтишича, прокурорлар ўқитувчиларнинг бундан 5-6 йил муқаддам ёзган ҳисоботларини қайта тиклаб, ўтган дарсларини соатма-соат суриштирмоқда.

“Улар ўқитувчилардан айб топа олмагач, бундан неча йил аввал ўтган дарсларимизнинг фотосуратларини ёки видеотасвирларини талаб қилишмоқда. Табиий-ки, ҳеч бир ўқитувчи ўз дарсларини фотосуратга ҳам, видеолавларга ҳам туширмаган. Бу нарса бизнинг ҳаёлимизга ҳам келмаган. Ана энди шундай далил-исбот такдим қила олмаганимиз учун текширувчилар ҳар бир ўқитувчини 2-3 миллион сўмлик жаримага тортишмоқда”, — дейди иқтисодиёт фанлари номзоди.

Унинг маълумотларига кўра, ўқитувчилар бундан норози бўлиб, ишдан ўз ихтиёрлари билан кетиш ҳақида ариза ёзишмоқда. “Аммо институт раҳбарияти аризаларимизни қабул қилмаяпти. “Аввал ишлаб, маошларингиздан жарималарингизни тўлайсизлар, кейин кетасизлар!” — демоқда. Биз текширувчилар аслида нима мақсадда келганини энди пайқадик: улар Ўзбекистон бюджетидоғи пул танқислигини бизнинг маошларимиз эвазига тўлдиришни ният қилишган”, — дея, афсусланади Тошкент Молия институтида ишлайдиган ўқитувчи.

Шу ҳол Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам такрорланмоқда. У ерда ҳам Мирзиёевнинг текширувчилари, катта-катта жарималар ва норози ўқитувчилар манзараси. “Университетимиз раҳбарияти ишдан кетиш ҳақида ёзган аризаларимизни қабул қилмаяпти. Уларнинг айтишича, олдин жарима тўлаб, кейин кетарканмиз. Менимча, дунёнинг ҳеч бир мамлакатада ўқитувчилардан ўтган дарсларининг фотосуратларини ёки видеоларини исбот тариқасида талаб қилмаса керак. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатада давлат ғазнасини ўқитувчилардан ундирилган жарималар эвазига тўлдиришмайди”, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университетида дарс бераётган доцент.

Унинг айтишича, ҳукуматнинг бу



ишлари — ҳақиқий талончилик.

“Эндиликда биз ўша 3 миллион сўмни тўлаш учун ҳукуматга камида 5-6 ой текинга ишлаб беришимиз ёки уйимиздаги холодильник ва телевизорларни сотишимиз керак”, — дейди олий ўқув юрти ўқитувчиси.

Бир вақтлар Тошкент мелиорация ва ирригация институтида ўқитувчи, кейин проректор лавозимларида ишлаган Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Бош вазири лавозимни эгаллагач, президент Каримовдан биринчи навбатда таълим соҳасини (вазирлар, вазир ўринбосарлари, олий ўқув юртлари ректор ва проректорларини тайинлаш ҳамда бу соҳани мустақил равишда текишириш ваколатларини) “сўраб” олган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Ўзбекистондаги ҳар бир олий ўқув юртининг раҳбарияти айнан Шавкат Мирзиёев томонидан тайинланади ва унга бўйсинади.

Табиийки, Мирзиёев проректор ва ректорларни текинга тайинламайди. Норасмий маълумотларга кўра, бугунги кунда олий ўқув юртига ректор бўлиш учун тайинланаётган даргоҳининг нуфузига қараб Шавкат Мирзиёевга 2-5 миллион АҚШ доллари нақд шаклда узатилиши керак. Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёев ректорлар учун ҳар йилги кириш тестларидан кейин унидириладиган “тест божи” ҳам жорий қилган. “Тест божи”нинг йиллик миқдори — 1 миллион долларни ташкил қилади.

Шу сабабдан Ўзбекистондаги таълим соҳаси Шавкат Мирзиёевнинг тасарруфига ўтгач, боғча ва мактабларда, коллеж ва лицейларда ҳамда институт ва университетларда порахўрлик кенг қулоч ёзди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда оддий лицей ёки коллежга қабул қилиш учун абитуриентлардан 300-500 доллар талаб қилаётган директорлар кўпайиб қолган. Директорлар ўзларининг амал курсларига ўтириш мақсадида қилган “сарф-харажатлари”ни шундай йўллар билан қоплашга киришишган.

Шу кунларда қатор олий ўқув юртларида ўтказилаётган текширувлар мавзусига қайтадиган бўлсак, Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган бу тафтишлар кундан кунга қуриб бораётган диктатура бюджетини олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг маошлари эвазига тўлдириш ниятида амалга оширилаётгани аини ҳақиқат.

ЎХХ Ахборот Бўлими

ВАТАНДОШЛАРГА МУРОЖААТ!

Ҳурматлик Ватандошлар!

Ўзбекистондаги диктатор режимига қарши кураш олиб бориш ва унинг ўрнига янги бир ҳурликка асосланган жамият барпо этиш йўлидаги кураш боши берк кўчага кириб қолганга ўхшайди. Ўзбеклар ва ўзбекистонликлар турли тоифаларга бўлиниб кетган ва уларнинг бирлари бошқа бирларига ёв. Бирлари бошқаларини қўламайдилар! Бундай вазиятда аниқ бир стратегия билан кураш олиб бориш мутлоқ имконсиз.

Мамлакат қамоқхоналарида асосан диний сабаблар билан ҳибсга олинганлар азоб тортмоқда, лекин уламоларимиз, диний жамоаларга таъсир ўткази оладиган олимларимиз парвои фалакдилар ва улар асосий кураш йўлини аини ўша азобланаётганларни ҳалос этишдан бошлаш зарурлигини билмайдилар. Ёки билсалар ҳам ўзларини билмасликка оладилар, жуда бўлганида Ғарбда яшаб ҳам, диктатордан кўрқадилар.

Мен ўзбекистонлик қочкинларга кўп бора мурожаат қилдим. Масжидларда, ёки бошқа бир сабаб, ўзбек мусулмонлари ҳам бўлиб қолган мажлисларда, интернет сайтларида мақолалар ёритиш билан ҳам уларни кураш йўлига чақирдим. Лекин фойдаси бўлмади ва ўз асабимни бузганим қолди. Нафақат ўз асабим, балки бошқаларнинг ҳам асабларига эгов тортиб юбордим. Ўзбекистонлик мусулмонлар ўз шахсий ибодатларига, бойлик ортиш йўлларига ёпишиб олганлар ва уларнинг фикрларини кураш йўлига бошқариш мутлоқ имконсиз эканлигини кеч бўлсада, тушуниб етдим. Умуман олганда, шундайлигига энди аминман.

Кимлардир мендан ранж еди, кимлардир юз кўрмас бўлиб кетди. Яна кимлардир мени тушунмади, ёки тушунишни ҳам истамади. Менинг мақсадим аниқ ва равшан бўлсада, бизнинг мусулмонларнинг юрагига чуқур ўрнашиб олган кўркув уларни тарк этмади. Бу кўркув илгариги авлодларимизда бўлмаганмиди? Бўлганди! Шунинг учун ҳам бизнинг ўтмиш авлодларимиз Россия империясининг босқини олдида ожиз қолаверишган. Шунинг учун ҳам йигирманчи аср бошидаги “Ёш бухороликлар” ва “Жадиждар” каби эл учун қуйинган гуруҳлар таг туби билан йўқ қилиб юборилаверган. Советлар даврида ҳам ўша кўркув қалбларимиз тўрида эди, ҳозир ҳам ундан қутила олмаганмиз. Келгуси авлодларимиз ҳам (айниқса Ўзбекистонда) худди бизлар каби зир-зир титраб яшаб ўтишга маҳкум бўлишади.

Шу ўринда мен кимларнидир ранжитган жойим бўлса улардан узр сўраб қоламан ва ўзбек мусулмонлари озодлиги учун кураш йўлидан чиққанлигини билдириб қоламан. Мени мавзур тутинглар ва мен эса сизларни келгусида бу сиёсий кураш йўлига мутлоқ даъват этмасликка ваъда бераман!

Лекин инсон ҳуқуқлари мавзусини ва эрк учун олиб бориладиган сиёсий кураш мавзуларини сақлаб қоламан. Мусулмонлар мавзусини мутлоқ унутиб, келгусида мақолаларимни, ёки бошқа кўринишдаги чиқишларимни исломий бўлмаганлар масаласига қаратаман. Чунки бундан фойда йўқ экан! Узр азизлар!

Тўлқин Қораев

КАРИМОВ МОСКВАГА НИМА УЧУН БОРДИ?



Матбуот баёнотларига қараганда, Путин ва Каримов Россия ва Ўзбекистоннинг долзарб муаммолари ҳақида гаплашмаганлар. Ўзбекбоши қандай мақсадда Москвага борганлигига DW аниқлик киритган.

15 апрелда Ислом Каримов ва Владимира Путин орасида бўлиб ўтган музокараларда матбуот баёнларида айтилган мавзулар ҳақида гапирилмаган. Учрашувдан кейин матбуотда президентлар икка тарафлама иқтисодий алоқаларнинг юксак даражада эканлигидан мамнунлигини билдирганлар ва Тошкентлик меҳмон огоҳлантирган “судралувчан терроризм ва экстремизм” масаласини, Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳамкорликнинг энг муҳим омили бўлган Владимир Путин билан шахсий муносабатларни муҳокама қилганлар. Аммо аниқки, Каримов бу мақсадлар учун Москвага бормаган.

Ўрта Осиё бўйича олмон эксперт Беате Эшмент (Beate Eschment) га кўра, бу ташрифнинг бир неча ғаройиб жиҳатлари бўлган. Унинг фикрича, аввало, Каримовнинг Москвага келиши ҳақида жуда кеч хабар тарқатилган. Ташриф давомида бу ҳақда матбуотда кўп хабар тарқатилмаган. Экспертнинг фикрича, ОАВ тарқатган маълумотлар икки Президент ўз давлатлари орасидаги долзарб муаммоларни музокара қилмаганлар, деган таасурот қолдирган.

“Президентлар кун тартида сўмнинг конвертацияси, Россия бизнеси ширкатларининг Тошкентдаги муаммолари, ўзбек меҳнат муҳожирлари учун виза жорий қилиш масалалари йўқ эди”, дейди олмон эксперт. Унинг фикрича, Ўзбекистон ҳукумати бу ташрифни амалга оширишига ишонмаган бўлиши мумкин. Бунинг сабаби эса маълум эмас...

Ўзбекбошининг Москвага ташрифидан олдинги бир неча ҳафта

Каримовнинг катта қизи Гулнора ва Бош Вазир ўринбосари Рустам Аъзимовнинг номлари зикр қилинганди.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) лидери Муҳаммад Солиҳ DW га ушбу ташрифнинг хусусиятлари ҳақида қуйидагиларни айтди: Ислом Каримовнинг соғлиқ муаммолари охириги пайтда уни меросхўр масаласида қарор беришга мажбур қилди. “Менинг маълумотларимга қараганда бу меросхўр Москва “ғарбга” яқин, деб ҳисоблайдиган Гулнора Каримова бўлади. Москвага амалга оширилган ушбу ташрифнинг асосий мақсади агар шу масала кун тартибига келадиган бўлса, бу борада Владимир Путиннинг қўллаб қувватлашига эришиш бўлган”, дейди ЎХХ лидери.

Меросхўр ва қора ранг Фақат олмон эксперт бу фикрга қўшилмаган. “Суратларда Рустам Аъзимов Каримов билан ёнма ён ўтирибди. Менимча Каримовнинг меросхўр танлашда Кремлнинг ёрдамига эҳтиёжи йўқдир. Агар ҳақиқатан ҳам Президентнинг катта қизи меросхўр бўладиган бўлса, мен бу мамлакатнинг келажиги қора рангга бўялишига ишонаман”, дейди олмон эксперт.

Ўзбекистон-сиз КХШТ: Москва хафа эмас, Тошкент ҳеч нарса йўқотмаган

КХШТ учрашувида Ўзбекистоннинг бу ташкилотга аъзолиги тўхтатилганди.

Ушбу ташриф МДХ бўйича Россиялик эксперт Андрей Грозинни ҳам таажжубга солган. Унинг фикрича, учрашувнинг расмий кун тартибидаги масалаларни телефон суҳбатида ҳам ҳал қилиш мумкин эди. Расмий ва норасмий ОАВда тарқатилган хабарлар иккала тараф ҳам бу визитга имкони борича кам эътибор қаратишга уринишганини кўрсатади.

“Телевидение да кўрсатилганларга қараганда иккала Президент узок вақт юзма юз суҳбатлашганлар. Каримов соғлом бўлиб кўринсада, Кремлнинг Малахитов залини Грановит салони билан алмаштириб юборди. Аммо бу унинг ёшида кечирса бўладиган хатодир”, дейди Андрей Грозин. Унинг фикрича Каримов Москвага жамоатчилик билишини истамайдиган масалаларни муҳокама қилиш учун тезлик билан сафар қилган. Чунки бу сафар Кремлдан кўра Оқсаройга кўпроқ лозим бўлган.

Меросхўр сифатида

“Меросхўр масаласи кун тартибига бўлган бўлиши мумкин, аммо ёзилганларга қараганда Каримов эрта индин ҳокимиятни бировга берадиган одамга ўхшамайди”, дейди Андрей Грозин. Унинг фикрича, Кремлнинг бу масалада Каримовни шошилиш ташриф қилишга чорлайдиган бирор таклифи бўлмаган. “Менимча, дейди рус эксперт ўзбек томони ўзининг америкаликларга ён босаётганини хаспўшлашга қарор берганга ўхшайди”.

Рус эксперт, АҚШ кейинги бир икки ойда Тошкентга Афғонистондан чиқиш учун бериладиган ёрдам масаласида иштаҳасини жиловлашни тавсия қилганини таъкидлайди.

“Вашингтоннинг Ўзбекистонни тиш тирноғи билан қуроллантириши ва уни бу минтақада мағлуб бўлмайдиган кучга айлантirmoқчи бўлиши ҳақидаги иддоалар ҳақиқатга мос эмас”, дейди рус эксперт. АҚШ бундай сиёсатнинг минтақада Хитой ва Россия билан муносабатларда жиддий муаммоларга сабаб бўлишини яхши тушунади. Грозиннинг фикрича, бунга ақли етган Каримов Ўзбекистон ва Россиянинг икки томонлама муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга эканлигини, Ўзбекистон АҚШ билан муносабатларда фақат молиявий масалаларни ҳал қилишга уринаётганини таъкидлаш учун шошилиш Москвага келган.

Беате Эшмент ҳам Ислом Каримовнинг Москвага сафари Ўзбекистоннинг Россияни ўзаро муносабатларда тамоман ҳисобдан ўчирмаганига ишорат эканлигини таъкидлайди.

“Айниқса, дейди у Каримов ўзига маъқул келадиган ислом экстремизми ва Афғонистондаги аҳвол ҳақида гапирар экан, бу масалада Владимир Путиннинг қўллаб қувватлашини истайди”, дейди олмон эксперт.

Манба: www.dw.de

“БОСТОНДАГИ ПОРТЛАШЛАР ОБАМАГА ҚАРШИ ЗАРБАДИР”



11 сентябрдаги портлашлар АҚШдаги ички вазият туфайли содир бўлганидек, Бостондаги воқеаларнинг ортида сабаблар ҳам мамлакатдаги ички вазиятдир. Ва бу сабаблар ташки сиёсатда ҳам тезда ўз аксини топади. 10 йилдан ортик муддат давомида гўёки 11 сентябр хуружларига жавоб тариқасида (вахоланки, 11 сентябр воқеалари Америкадаги ички кучлар томонидан содир этилганини бугун телбалар ҳам билади) бутун дунё бўйлаб уруш ва босқинлар олиб борган Қўшма Штатлар бугунги кунда ўта оғир ахволда. Яқин Шарқдаги ривожланиб бораётган мамлакатларни яқсон қилиб, юз минглаб одамни қатл этган АҚШ бугунги кунда бу минтақадан чиқиб кетишга мажбур. Американинг учувчисиз учоқлари бутун дунё устидан парвоз қилиб, Сомали, Покистон каби мамлакатлар ҳамда озод қабилалар яшайдиган худудлардаги аҳолини қирғин-барот қилмоқда ва ўз таъсир доирасини кундан кунга кенгайтarmoқда. Боз устига, бу учоқлардан қурбон бўлганлар орасида АҚШ фуқаролари ҳам бор.

Мазкур шароитда АҚШдаги сиёсий ҳокимият эшелонларида ички таранглик ортиб бормoқда, республикачилар ва Барак Обама раҳбарлик қилаётган демократлар ўртасидаги қарама-қаршилик кучайиб кетмоқда. Табиийки, бу портлашлар энг аввало Обамага берилган зарбалардир, чунки энди Афғонистондан чиқиб кетиш хато эканлиги, Ироқдан ҳам бемаврид чиқилгани, АҚШдаги ички сиёсий муҳитни бошқара олмаслик ҳақидаги тарғибот тўлқинлари кўтарилди. Менимча, энди кланлар ўртасидаги қарама-қаршилик жуда ҳам кескинлашади.

Аслида эса бу портлашларнинг жиддий сабабларидан бири – ҳозирги ўта

ўнг Исроил ва муҳим мансабларга исроилпараст лобби манфаатларига зид равишда амалдорлар тайинлаётган Оқ Уй ўртасидаги зиддиятлар. Мазкур портлашлар – исроилпараст лоббининг, ПРАКнинг, ҳозирда Исроил парламенти Кнессетда ҳокимият тепасига келган ўнг радикал сионист доираларининг манфаатларига ҳамда Биньямин Нетаняху босимларига зид равишда Чак Хэйгелнинг АҚШ мудофаа вазири лавозимида, Жон Кэррининг Давлат қотиби лавозимида ва бошқа қатор янги амалдорларнинг тайинланишларига берилган бевосита жавобдир.

Айни пайтда Кнессетдаги ўнг кайфиятдаги доиралар кескинлашди, яъни аввалдан кескин ўнг тарафда бўлиб келган “Лиқуд” партияси бошқа, яна-да радикал ва очик ирқчи ташкилотларга қараганда бироз марказга силжиди. Бугунги кунда ўта радикал ва ирқчи ташкилотлар Кнессетда 61 овозга эгалар. Бу эса Исроил жамиятининг яна-да ўнгга силжиганидан далолат беради. Шу билан биргаликда Оқ Уй Исроилни АҚШ гарданидаги оғир юк санаб, Исроил билан стратегик ҳамкорликдан узоқлаша бошлади. Мазкур портлашлар АҚШни неоконсерватизм форматига (аввалги, эски ҳолатига, Исроилга тўла тобеъ аҳволига) қайтаришни истаётган доираларнинг бевосита жавобидир.

1937 ЙИЛГИ СССР ҲОЗИРГИ АМЕРИКА ОЛДИДА – ЖАННАТНИНГ ЎЗГИНАСИ

Обама бу чақирувга зудлик билан жавоб қайтариши ва янги, дахшатли полиция чораларини қўллаши керак бўлади. Ўзи Бушдан кейин Америка шундоқ ҳам турли таъқиқ ва чекловлар жорий этишда чуқурлашиб кетганди. Бу борада АҚШ собик СССРдан анча илгарилаб кетди. 1937 йилги СССР ҳозирги Америка олдида жаннатнинг ўзгинаси бўлиб қоларди. Бу ҳолат мулк эгаларининг иштирокисиз ҳамда суд, тергов қарорисиз уйларни тинтув қилиш, фуқароларнинг телефон мулоқотларини биргина тергов қарори билан тинглаш, фуқароларни дастлабки ҳибсда адвокатнинг иштирокисиз ва айблов эълон қилмасдан чексиз муддат ушлаб туриш каби янгиликларда намоён бўлмоқда.

Бундай чекловларнинг рўйхати анча катта. Эндиликда Бостондаги портлашларга ҳамда норозилик ва танқид тўлқинларига жавобан Обама чеклов ва босимларни кучайтиришга киришади. Республикачилардан иборат муҳолифат Конгрессда кескин оёққа туриб, Пентагонга ажратиладиган маблағлар миқдорини кўпайтиришни ва АҚШ қўшинларини Афғонистондан чиқармасликни талаб қилади.

АҚШ ЯНГИ МОЛИЯВИЙ ҲАРАЖАТЛАРНИ КЎТАРА ОЛМАЙДИ

Бугунги кунда АҚШ молиявий бўҳрон остонасида турибди. Шунинг учун АҚШ ичкарисидан келиб чиқаётган янги муаммолар мамлакатни буткул бекарорлик ёқасига олиб келади. Ҳозирда АҚШ 11 сентябр воқеаларидан кейин зиммасига олган молиявий юкни ҳам кўтара олмай қолган.

Бугунги АҚШ учун муаммолар кўп: Исроил, Шимолий Корея билан жоҳарлар, Яқин Шарқ билан алоқалардаги таранглик.

Сурия билан ҳам муаммолар чигал. АҚШ Сурия муҳолифатини дастаклашни тўхтатиб, Башар Асадни пинҳона қўллаб-қувватлаш ҳақида бош қотира бошлади. Бу – бугунги кунда очик-ойдин ҳақиқатга айланди. “Джабхатун-Нусра” кўпоровчилик ташкилоти, деб эълон қилинди, ҳозирда Башар Асадга қарши урушда қатнашган америкаликни суд қилишгапти, ҳатто уни ўлим жазосига ҳукм қилишлари ҳам мумкин. Сурияда амалдаги ҳокимиятни ўзгартирмасдан мамлакатдаги сиёсий форматни ўзгариши ҳақида Башар Асад билан музокаралар ўтказилмоқда.

Бостондаги портлашлар ана шу мақсадлар учун айни муддаодир. Уларни Суриядаги назоратсиз муҳолифат фаолиятига боғлаб, шу баҳонада Сурия муҳолифатини дастаклашни тўхтатиб, Асад билан пинҳона олиб борилаётган музокараларга очик ва «конуний» тус бериш мумкин.

Мазкур портлашлар яна улкан қўшимча «бонус»лар келтиради. Обамага эмас. Бу портлашлар Обамага фақат республикачиларнинг унга қарши кампаниясини “туҳфа” этади.

Ҳайдар Жамол

2014 ЙИЛДАН КЕЙИН: РОССИЯ АФҒОНИСТОНГА ҚАЙТАДИМИ?

Россия Афғонистон учун ҳар қандай ёрдам беришга тайёр, аммо бу мамлакатга энди ҳеч қачон ҳарбий куч жўнатмайди.

Бу борада Би-би-сига гапирган Россиянинг Кобулдаги элчиси Москва энди бу мамлакатда на мустақил тарзда, на НАТО таркибида бирон бир ҳарбий база барпо этмайди, деб айтди.

Агар, ҳатто, Афғон ҳукумати қандайдир ҳарбий қурол-аслаҳа истаса ҳам, бу учун фақат пул тўлаб, сотиб олиши мумкин.

Лекин Москва иқтисодий

ҳамкорлик ва ёрдам бобида Афғонистон билан муносабатларини кучайтириш умидида.

Россия қайсидир шакл ва йўлда бўлмасин, Афғонистонга қайтиши керак, деган фикрлар бугун бу мамлакатда кўп айтилмоқда.

Айни фикр тарафдорлари аввалгидек ҳарбий аралашув эмас, балки Афғонистонга иқтисодий кўмак ва уни саноатлаштириш йўлларини тақлиф қилишади.

Аммо бу фикрлар дунёда эски иттифоқчи тузумларини бой бераётган

аламнок Кремль мавқеини кўпроқ англа-тадими ва ёки Россиянинг Афғонистонда кўзлаган аниқ мақсадлари борми?

Биз шундай савол билан Москвадан таҳлилчи Гейдар Жамолга мувожаат қилдик:

Гейдар Жамол: Ҳозир Россия учун муҳим масала бу — Афғонистон Президенти Ҳомид Карзайни қўллаб-қувватлашдир. Чунки озод Афғонистон таъсирида Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар рўй бериши Кремлни хавотирга солади.

(Давоми кейинги саҳифада)

“Бирлашишнинг моҳияти ҳақида” номли мақолага муносабат

Мен ҳурматли Намоз Нормўминнинг ушбу мақоласига (<http://uzxalqharakati.com/archives/18151>) муносабат билдирмоқчи бўлдим. Фақат сўзда эмас, амалда муносабат билдирмоқчиман.



ЯНА БИР МАРТА БИРЛАШИШ ҲАҚИДА

Чунки бугун яна кимлардир бирлашиш ҳақида гапираёпти, аммо уларнинг ўзи бу йўлда амалий ҳаракат қилишмаяпти назаримда. Билишимча динимизда инсоннинг ўзи қилмайдиган ишни айтиши гуноҳдир. Қолаверса бирлашайлик, деб фақат шиор ўртага ташлаш ва кейин бу йўлда амалий ишлар қилмаслик, бу ишни қилмоқчи бўлганларга салбий таъсир қилади, инсонлардаги бу масалага бўлган ҳаяжон ва шавқни камайтиради. Ўзбекчаси айтганда инсонларнинг бу ишдан ҳафсаласи пир бўлади...

Мен ўзим муҳолифат лидери ёки фаоли эмасман, Каримов диктатурасига қарши бўлган оддий фуқароман. Менинг ўзбек тараққийпарвар кучларининг бирлашишига амалий муносабатим шундан иборат: менга ва менга ўхшаган Каримов режимига қарши бўлган оддий фуқароларга кўрсатма берингизлар, биз бажарайлик. Мен масалан, бир неча ойдан бери ЎХХ ни бошқаларга танитишга ҳаракат қилаяпман.

Ушбу мақолада хусусан шундай дейилган:

“Албатта, бундай бирлашиш мутлақ ҳамманинг эмас, сифатли кўпчиликнинг бирлашиши ўрнида кўрилиши керак. Чунки халқ ҳам, уни тамсил қиладиганлар ҳам ҳеч бир замон мутлақ ҳамманинг бирлашишига эриша олмайдилар. Бу амалга ошмайдиган иш эканлиги тарихий бир ҳақиқатдир.

Ҳозирда бундай сифатли кўпчиликнинг бирлашуви ЎХХ, мустақил инсон ҳуқуқлари жамиятлари, мусулмон жамоатлар, зиёлилар гуруҳлари ва оддий фуқароларимиз бир сиёсий ПЛАТФОРМ да (ижтимоий сиёсий майдонда) бирлашиб амалга оширишлари мумкин. Бунинг учун интернетдаги “КАРИМОВ КЕТ” гуруҳидан фойдаланишимиз мумкин. Зеро, бу гуруҳда ҳаракатимиз вакиллари билан бирга бошқа ташкилотлар, зиёлилар ва оддий фуқароларимиз иштирок этиб келишмоқда.”

Ҳақиқатан тўғри, ҳаммани бир ғоя ёки ҳаракатда бирлаштириб бўлмас. Муаллиф ҳам келинлар ЎХХ да бирлашайлик, деяётгани йўқ.

Ҳар ким ўз ўрнида турсин, шу билан бирга бир умумий сиёсий майдон ташкил қилайлик, деяпти. “Каримов Кет” гуруҳими ёки бошқа бир умумий гуруҳ очиб, сифатли кўпчилик, яъни ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистонда тараққиёт

истайдиган гуруҳлар ва шахсларнинг фикр ва кураш майдонига айлантирилиши керак.

Бу эса аслида халқнинг эътиборининг бир нуқтага жам бўлишини билдиради. Шундагина тош жойидан қимирлайди, менимча...

Мен ҳам бугунги кунда муҳолифатнинг бирлашишини мутлақ за-

рурий, деб биламан. Чунки 2014 ва 2015 йиллар (янада Аллоҳ билади) биз Ўзбекистонликлар учун жуда муҳим йиллар ҳисобланади. Ё биз биргалишиб Каримов режимдан кутулишга уриниб кўрамиз ёки бўлмаса яна шундай бир зolim диктатор Ўзбекистонда иш бошига келади. Бу ҳам йигирма ўттиз йил диктаторик қилса, бола чақаларимизнинг келажагидан ҳам умидимизни узаверсак бўлади (Аллоҳ кўрсин...)

Бу масалада яна бир гап: билишимча муҳолифат ичиде турли сабаблар билан бир биридан ранжида бўлган инсонлар бор. Балки бу ранжишлар асосли ҳам бўлиши мумкин.

Аммо бу асос бирлашишга қўл силтаб, ўзимизнинг ва келажак наслларнинг диктатура зулмида қолиб кетишига асос бўла оладими?

Исимини ёзмасликка қарор қилдим. Чунки Ўзбекистондаман. Муҳолифатнинг барча самимий аъзоларига саломлар бўлсин...

ЎХХ хайрихоҳи

2014 ЙИЛДАН КЕЙИН: РОССИЯ АФҒОНИСТОНГА ҚАЙТАДИМИ?

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Марказий Осиёнинг ўзгаришини эса Америка жуда истади. Вашингтон бу минтақа аксил-Хитой худудига айланишини ният қилади. Россия эса икки ўт орасида қолмоқда. Аввало, Москва ҳозир Америкага қарши бора оладиган аҳволда эмас. Лекин Марказий Осиё минтақаси аксил-Хитой худудига айланишига ҳам қарши. Шу боис бу минтақага яқин келиб, ўз таъсирини ушлаб туриш Москва учун энг мақбул йўл. Аммо бу учун Афғонистонда ўзининг яққол иштирокини намоён қиладиган эмас. Америка ҳозир Хитой давлатини ўраб олмоқчи, Марказий Осиё эса ана шу халқнинг ажралмас бир қисмидир.

Бу-бу-си: Лекин Америкага ўз муҳолиф мавқеини намойиш этишни хуш кўрадиган Россия Афғонистонни ташлаб кўя ҳам олмайди унда?

Гейдар Жамол: Россия бу борада танлов имконига эга эмас — Москва бу масалада собиқ Шўролар Иттифоқи мавқеида эмас. На етарли маблағи, на мутахассислари ва ё на мафқураси бор. Бунинг учун махсус хизматлари кучли бўлиши, дипломатик иқтидори катта бўлиши шарт. Хуллас, нимани таклиф қилиб кириб бора олади? Деярли ҳеч нимани. Россияда айрим таҳлилчилар ёзаётган таъсиримизни оширайлик деган гаплар эса асоссиз, қуруқ чиранишдан бошқа нарса эмас. Менимча, бу асоссиз, қуруқ чираниш. Кўпроқ руҳий бир ҳолатдир. Афғонистоннинг Россияга қараши кўпроқ сиёсий вақларга тақалади. Шу боис Россия жуда қаттиқ ҳаракат қилмаса ва катта маблағ ташламаса, бу борада ҳеч қандай натижага эриша олмайди.

Бу-бу-си: Бу ўринда эса ҳозир

Россиянинг истаги катта, лекин имкони чекланган демокчимисиз?

Гейдар Жамол: Россиядаги тузум ҳозир бундай мақсадга эга эмас. Улар кўпроқ ўзининг яшаб қолиши ғамиди. Москва ҳозир узоқ муддатли стратегик режаларига эга эмас. Ҳатто, истак бўлганида ҳам бу жабҳада етарли мутахассислар етишмайди. Шу боис Россия қандайдир номига алоқаларни кўрсатадиган амалларга йўл уриши мумкин. Масалан, Карзай ҳукумати билан қандайдир бирон иқтисодий келишувларни имзолаши мумкин. Қандайдир техник кўмак кўрсатиши мумкиндир. Бошқа томондан, Карзай ҳукумати кўғирчоқ ҳукумат саналади ва у аслида афғонлар ҳаётини тўла қамраб ололгани йўқ, мамлакатни ҳам тўла назорат қилмайди. Хуллас, Россия аксил-Нато муҳолифатига таъсир қилиш мавқеида эмас. Бу унинг қўлидан келмайди. Россияда четда ўз таъсирини ўтказиш учун ҳозир бирон мафқуранинг ўзи йўқ.

Бу-бу-си: Лекин Россия иқтисоди кенгаймоқда, иқтисодий қудрати ошиб, яна эски сиёсий таъсири ва мавқеини қайта қўлга олади деган фикрлар ҳам бор-ку?

Гейдар Жамол: Бугунги Россия бу — Ғарбнинг хомашё манбаи. Ўзини гуё халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тутишга интилади, аммо бу ҳам аслида Ғарбнинг манфаати учун хизмати қилади. Россияни, ҳатто, тўла мустақил давлат деб аташнинг ўзи ноўрин туюлади. Жумҳураис Путиннинг Ғарбга қарши қилиб турадиган баъзи ишлари ва ҳаракатлари ҳам Америка тарафидан маъқулланиши керак. Бошқа ҳеч нарса эмас.

БИЗЛАШСАК ЎЗАЖАКМИЗ, МАНМАНЛИК-ЛА ТЎЗАЖАКМИЗ!



«Мен», «Сиз», «Биз» каби сўзларнинг ҳаммаси бир оғиздан чиқади. «Мен», «Мен» дейиш кўпроқ манманликни ифодалайди.

Манманлик билан узоқ манзилни кўзлаш ва унга етиш мушкул. Аммо «Сиз» дейиш кўнгулга яқинликни билдириб, кўпинча ечилмас жумбоқларни, чигалликларни ечишда восита бўлиши мумкин.

«Биз», «Бизлар» десангиз эса, кўпларни, ҳатто тарқоқ ғалаённи ҳам бир йўлга чорлаш, омма-кўпчиликнинг кучкуватини бир муштга тугиб, бир жойга зарб билан уришга имкон туғдириш мумкин бўлади, деб ўйлайман.

«Нима келса бошингга, тилингдан келар» дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан ҳам барча балою қазоларга, жазоларга, мағлубиятларга ҳам, буюк оламшумул ютуқларга ҳам тилимиз сабаб.

Нега энди бу чол эзмалик қилиб, ўз фалсафасини англамоқчи бўлапти, демасликларинг учун мақсаднинг лўндасига ўтаман.

Яқинда ватандошимиз Жаҳонгир Мамаатовнинг «Ўзбекистонга қайтиш ғоясининг муаллифи ва спонсори сифатида қатнашяпман» номли мақоласини ўқиб қолдим.

У мени анчагина таажжубга туширди. Во ажабо, астафкуруллоҳ деб ёқа ушладим. Чунки унда Ўзбекистонга қайтиш ғоясининг муаллифи сифатида фақат бир киши кўрсатиларди. Бу ҳолни ғайритабиий дейиш етарли эмасдай кўринади менга.

Дунё борки, оламда қоч-қоч, ҳижрат, ғурбатдаги ҳаёт, ватандан жудо бўлиш, қувғин, сургун бўлиш бўлиб келган ва бундан кейин ҳам бўлажак.

Демак, инсон боласининг бир қисми доимо ватанига қайтиш умиди, орзу ҳаваси бирла яшаган, яшайди ва бизлардан кейин ҳам шунга ўхшаш ҳаёт давом қилаверади.

Ватан сари талпиниш (ўзбеклар «киндик қони томган жой»га интилиш дейдилар), ватанга бўлган садоқат, муҳаббат, ватан дардидаги ғам-ғусса инсониятга меросдир.

Ҳадиси шарифда «Ватанни севмоқ иймондандир», дейилади.

Шундай қилиб, ғурбатдаги инсоннинг

ватанга қайтиш ҳиссининг, (қардошимиз Ж.Мамаатовга кўра ғоясининг) илк муаллифларини қидириш, айниқса илк муаллифликка даъвогарлик, қанчадан-қанча ватанга қайтиш ҳисси ва ғам-аламлари ила, ғурбатда, ватан тупроғини кўзига сурта олмасдан, бир қисм она тупроқ насиб қилишини кутиб оламдан ўтганларга, ватан тупроғидан олисларда ғариб мазор қолган буюк инсонларга нисбатан энг қамада ҳурматсизликдир.

Менинг мақсадим ҳам муаллифликка даъвогарликда эмас, ёки мен ҳам бир неча марта Ватанга қайтишни таклиф қилганим, нега мени эсламадилар ҳам демоқчи эмасман. Аксинча, Жаҳонгир Мамаатовга сидқидилдан бу ҳаракатда омадлар тилағаймиз, биз ҳам қандайдир йўллар билан ватанга қайтишга талпиндик-у, лекин оламшумул натижаларга эришиш насиб бўлмади.

Оллоҳу таоло гувоҳ, таклифларимизнинг натижасиз қолишида сабаблар кўп бўлди. Уларнинг барчаси бири биридан мужжал, чигал, баъзилари эса уяладиган, ҳатто шармандали дейиш ҳам мумкин.

Балки 2008 йилда ҳақиқатан ҳам Ватанга қайтиш таклифининг замони келмаган эди. У замон ватанга қайтиш ғоясини илгари сурлиш учун барвақтлроқ эди.

Балки чет элларда юришган ватандошларимиз кўпчилигининг «МЕН»и (тўғриси манманлиги) сабабидан таклифимиз самарасиз қолгандир.

Балким биз бағрикенглик одобидан беҳабар эканмизми, билмадим! Балким ватандошимиз Адҳамнинг Муроса ижрокўми ва муросага оид фикр, мулоҳазалар... туркумидаги мақоллари: «Ватандошларга мактуб», «Қўлларимиз қўлларимизга бирикса эди» номли битилган қалб нидолари аччиқ ҳақиқат бўлса-да, саволларимизга жавобни ушбу жонсиз сатрлардан излашимиз керакдир??

Мен Ҳакам эмасман, ажримни Оллоҳ субҳанаҳу ва таъоло берсин. Давр, замон ажр этсин.

Лекин минг афсуслар, бизлар тилларимизда «МЕН» калимасини кўпроқ ишлатганимиз учун, тарқоқ оломондан ҳамжихат халқ бўла олмаёпмиз.

Натижада ғояларимиз хом, амалга

ошмас боши берк кўчада мутлак аҳволда қолиб кетмоқда. Орамизда тарқоқлик, парокандалик балоси муқим қолмоқда. Ўзимиз эса, «мен» дея, «мен» дея бедаво дардга мубтало бўлган шарм-ҳаёсиз оломон ўлароқ қоляпмиз. Минг афсуслар бўлсин азизларим!

Азиз кадрдонларим, ҳурматли ватандошларим, ҳаммангизга Оллоҳ меҳрибон бўлсин, меҳру шафоатини аямасин, эзгу ниятларимиз ушалсин.

Мен ҳам сизлар қаторингизда ватан тупроғини, ватандаги дўстлар ва қариндошлар дийдорини кўришга муяссар бўлайин.

Менга ҳам чет элларда юришганлар қатори соғу саломат Ватанга қайтиш насиб этсин. Омин. Оллоҳу Акбар.

Азиз қондошларим, биродарларим, ака укалар, опа сингиллар, ҳамшаҳарлар, узоқ яқин дўсту душманларим, биз қариялар ёшимизни яшадик, ошимизни ошадик, лекин биз ҳам ватан сари толпинамиз, она замин тупроғига бош кўймоқ истаги бизнинг қалбимизни ҳам тилкапора этади.

Ушбу нола-ю фиғонларимни ёзишимдан мақсадим сизларга шуларни айтишдир: «МЕН»дан «БИЗ»га ўтингизлар, ватан тупроғига етмаганлар ҳақи ҳурмати, ватан иштиёқида юраклари қон бўлганлар ва бўлаётганлар ҳақи ҳурмати, БИРЛАШИНГЛАР, БИЗЛАШИНГЛАР, «БИЗ» БЎЛИНГ!

ВАТАНИМИЗДА ЎЗ МОЗОРИМИЗГА, БОЗОРИМИЗГА ЭГА БЎЛАЙЛИК!
ҚАРИЯЛАРИМИЗ АРМОНДА
КЕТМАСИНЛАР, ЁШЛАРИМИЗ
ВАТАНГАДОЛИК ГИРДОБИДАН
ҚУТУЛСИНЛАР!

Келинлар, ўпка, гина кудуратлардан юз ўгириб, Жаҳонгир Маматовми, бошқа ватандошимизми, уларга ёрдамчи бўлайлик, бизлашсак узажакмиз, бизлашмасак тўзажакмиз.

Яна шуни ҳам унутманглари, Ўзбекистон тақдирини ягона Америка ёки Россия хал эга олмайди.

Европа итифоқининг ҳам хал этиш қўлидан келмайди. Ўзбекистон тақдирини ҳаммасидан аввал ватанимиз ичкарисиди хал бўлади.

Бизнинг халқ афғонлар эмас, Ўзбекистон эса, Ироқ ҳам, Афғонистон ҳам эмас. Ўзбекистон тарихида ва тақдирини Карзай ва Талабанийлар бўлмаяжак.

Шунинг учун Ўзбекистон ҳукумати ила муроса этмоғимиз бизнинг ватандошлик бурчимиз.

Акс ҳолда 20 йил давомида қуруқ олиб қочилган арава, яна шундай судра-лаверади.

Агар шундай бўладиган бўлса, мен сингариларга ачинмаса ҳам бўлади, бироқ ватан тақдирини, ёш авлод холи нима бўлади?

Уларнинг ҳолига маймунлар йиғлаши муқаррардир.

Бутун ватандошларга ҳурмат, эхтиром, салом ва дуоларим ила

Алибой Йўляхшиев

ҲАҚИҚИЙ ТЕРРОРМИ ЁКИ СОХТА ТЕРРОР ҲУЖУМИМИ?

АҚШ нинг Бостон шаҳридаги террор ҳужумини агар у ҳақиқий бўлса бир марта, сохта бўлса минг марта лаънатлашимиз керак. Яъни, тинч аҳолини қирғин қилишга қаратилган бундай террористик ҳужумларни ҳеч бир шаклда оқлаб бўлмайди...

Президент Обама бу ҳужумни террорчилик ҳаракати, деб атабди. Аммо ҳозирча “террорчилар” аниқлангани йўқ. Баъзилар шошқолоқлик билан буни муслмонларнинг ёки арабларнинг иши, дея эълон қилишга ҳам улгурдилар.

2001 йилги Нью Йорк террор ҳужумларидан кейин ҳам анча вақтгача террорчилар аниқланмай қолганди. Аммо у пайтлар дунёнинг бош “террорчиси” Усома бин Ладен ҳаётда эди ва уни бу ишда айблаш ишнинг энг осони эди. Мақсад эса Афғонистонни, кейин Ироқни ишғол қилиш эди. Ироқ ишғолидан йиллар ўтиб, АҚШнинг ўша вақтлардаги

Ташқи Ишлар вазири Паул Колин бу мамлакатни ишғол қилиш учун ўртага қўйилган ҳужжат ва айбловларнинг барчасининг сохта эканлигини тан олганди...

Гитлер Рейхстагни ёқиб юборган ва бу ишда ўзиги муҳолиф бўлганларни айблаганди. Ислон Каримов 1999 йилда Тошкентда портлашлар ташкил қилган ва кейин бу ҳужумни муҳолифларга ағдарганди. Иккинчи чечен урушидан олдин Москвада бинолар портлатилган ва бу иш чечен муҳолифларнинг зиммасига юклатилганди. Буларнинг барчаси “сохта” террор ҳужумлари эдилар ва уларни амалга оширганлар ўзларининг сиёсий мақсадларини кўзлаган ҳукуматлар эдилар...

2001 йилги Нью Йорк террор ҳужумларидан 12 йил ўтди. Балки америкаликлар учун янги “террор” допинги зарур бўлиб қолдимикин? Чунки Ўрта Шарқда вазият чигал,



АҚШ яна қаернидир ишғол қилиш режасида бўлиши мумкинми ёки вазиятни ўз фойдасига ҳал қилиш учун “сохта террорга” ёки жамоатчиликни ғазаблантирадиган “террор допингига” эҳтиёж сезмоқдами?

Нима бўлганда ҳам Бостондаги ҳужумларни оқлаб бўлмайди. Бу ҳужумдан кўзланган мақсад эса қисқа вақтдан кейин ойдинлашиши мумкин...

Абдурахмон Муҳаммад

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИГА ЎТИШ САРИ!

Фуқаролик жамиятини ошкоралик таъмоили асосида президент ва ҳукумат қарорларини бажарувчи маҳалла кўмита кенгашининг ўзини-ўзи молиялаштиришга ўтишини қонулаштириш лойиҳасига таклиф.

Ушбу мақоладан Конституция ижроси суслиги, Суд тизмининг мустақил эмаслиги, Давлат органларида шаффоқлик йўқлиги, ОАВоситаларидаги кўзбўямачиликлардан манфаатдор-жойлардаги аксарият маҳаллий раҳбарлар ҳамда уларни қўллаб-қувватлаётган айрим сиёсий Партия Раҳбарлари (айниқса ХДП) эканлигини пайқаш ҳеч қийин эмас.

Лойиҳа-таклифнинг мақсади:

1) Туман даражасидаги давлат органлари бўлимларининг фаолият тартибини қонулаштириб, давлат бюджетига тўшадиган маблағларни 5-8 баробаргача кўпайтириш мумкин бўлади. (Жойларда пора сифатида йўқ бўлиб кетаётган маблағ назарда тутилмоқда).

2) Давлат бюджети маблағларини талон-тарож қилинишига маҳаллий ҳокимият ташкилотларининг айрим ходимлари томонидан совуққонлик билан қарашига барҳам бериллади.

3) Энергетика сарфида мақсадли йўналишга эришилади, тўловларни ўз вақтида тўлиқ ва алдамчиликларсиз амалга оширилиши мумкин бўлади;

4) Ишсизликни яширишга, социал химояга ажратилган маблағларни ўзлаштиришга чек қўйилади.

5) Боғча, мактаб, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотларда ноқонуний пул йиғимларининг

тўхтатилишига олиб келади;

6) Яширин ва ноқонуний фаолият кўрсатаётган цехлар ва дўконлар қонун тартибда ишлашга йўналтирилади, иш ўринлари кўпаяди.

Қонунчилик лойиҳасига таклиф:

1) Ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллага ўз ҳудудидаги аҳолидан барча солиқ ва коммунал тўловларни йиғиш ваколатини бериб, йиғимлар ойма-ой 75% дан 100% гача йиғилган тақдирда маҳалла фондига унинг 20% и миқдориди, 50% дан 75% гача йиғилган тақдирда эса маҳалла фондига 10% миқдориди ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бу кам кўрсаткич 2 мартадан ортиқ такрорланса юқори ташкилотлар буни ўрганиб чиқиб, интизомий чора кўришини қонулаштириш мақсадга мувофиқдир;

2) Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш туман бўлимлари тугатилиб, бу вазифани туманда ЎЎБ-органлари раҳбарлари ижроия коллегиал кенгашига ўтказилиши қонулаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди;

3) Тошкент шаҳридаги туман ҳокимиятларини тугатиб, ўрнига туман оқсоқоллар кенгаши раиси, шаҳар кенгаши депутатлари аъзоси — тумандан сайланган; тумандаги давлат органлари бўлимлари билан ҳамкорликдаги коллегиал-кенгаш тузиш мақсадга мувофиқдир;

4) Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг аҳолига кўрсатадиган хизматларини (маълумотнома, тавсифнома бериш,

далолатнома ва баённомалар тузиш, чет элга чиқиш визаларини расмийлаштириш ва бошқалар) белгиланган тартибда пуллик хизматини қонулаштириш мақсадга мувофиқ бўларди;

5) Тумандаги боғча, мактаб, коллеж ва шифохоналарни қурилиш-таъмирлаш ишлари учун коллегиал кенгашга бўйсунувчи қурилиш-таъмирлаш маҳсус бўлимини ташкил қилиш бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини кучайтиради;

6) Ўзини ўзи бошқариш-маҳаллаларда жойлашиши ва ҳудудининг майдонига қараб кўчатлар экиш, ариқларни тозалаш ... бўйича ободонлаштириш ходимларини ажратиш мақсадга мувофиқ;

7) Туман оқсоқоллар кенгашига боғча мудури, мактаб директорини ишга олиш ва бўшатиш масаласида асосий ўрин тутишини қонулаштириш мақсадга мувофиқ бўларди;

8) Маҳалла участка нозирларини тегишли туман оқсоқоллар кенгаши томонидан суҳбатдан ўтказилиб ишга олиш тартибини ўрнатиш;

9) Маҳалла участка нозирлари ҳозирда 2 та бўлиб, уларни биттага қисқартириш лозим. Маҳалла посбони маошини участка нозирини ойлик иш ҳақининг 75% миқдориди белгиланса яхши бўлади. Сабаби посбоннинг масъулияти айрим ҳолларда кўпроқдир. Ушбу ҳолатлар Жамоат манфаатларининг устуворлиги учун қонунийлаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Азамат Худайкулов

БЎЛАЖАК ДИКТАТОР ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВА ХАВФЛИ ТРОЙКА ҲАҚИДА



Шу кунларда Ўзбекистонда парда ортида бўлаётган сиёсий ўйинлар мени тез орада stopdictator-karimov.com деган сайтми-ни stopdictatormirziyayev.com деган янги сайтга ўзгартиришга олиб борадиганга ўхшайди. Чунки ҳамма нарса шунга қараб кетаяпти.

Бундай хулоса қилишимга қуйидаги нарсалар асос қилиб олинди:

1. Олий Мажлиснинг илк мартаба Бош вазирни саволга тутушига уринмоқчи бўлгани чиппака чиқди.

2. Миллий Хавф Хизмати раи-

си Рустам Иноятов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев ўртасида янги қариндошлик ипи боғланди деган гап бор.

3. Ш.Мирзиёевнинг одами бўлган Ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов ўз мавқеини борган сари мустаҳкамлаб олмоқда.

4. Иқтидордаги диктатор Ислон Каримовнинг шарт кетиб парти қолди. У ҳокимият тизимларини секин аста айнан Ш.Мирзиёевга топширишга мажбур бўлмоқда. Бунга бир томондан қариллик, иккинчи томондан касаллик ва учинчи томондан Мирзиёев-Иноятов -Матлюбов тройкасига қарши бирор бошқа кучли тройка топа олмаётгани ҳам сабаб бўлмоқда.

5. Бош вазир Ш.Мирзиёев билан мансаб, ҳокимият тизимлари ичидаги кучли алоқалар ва унинг шахсий зўравонлик сиёсати каби масала-

ларда у билан очиқ рақобат қила оладиган бирорта бошқа сиёсатчи Ўзбекистонда йўқ.

Қиссадан хисса шуки, Ўзбекистон демократик муҳолифат кучлари мавжуд вазиятдан келиб чиқиб ҳаракат қилишлари ва ўзларининг тактик ва стратегик режаларини бугун қайта кўриб ва пухта ишлаб чиқишлари керак. Акс ҳолда бўлажак диктатор Шавкат Мирзиёев мавжуд диктатор Каримовдан ҳам бадтарроқ зулм, жаҳолат ва Ўзбекистон халқларига нисбатан турли туман кўринишдаги босимлар ва репрессияни янада кучайтиради ҳолос. Чунки бу хавфли тройка вакилларининг ҳар бири ҳар қандай муаммони ечишнинг энг осон йўли куч ишлатишдир деган давлат сиёсатини яратувчилари ва тарафдорларидир.

Ҳазраткул Худойберди

ҲАҚ ВА ХАЛҚ ЧАЛҒИМАЙДИ

Баъзан минг йиллардан бери деярлик ҳар куни такрорланиб келинаётган оддий ва ҳаммага отнинг қашқасидек маълум бўлган гапни ҳам айтиб қўйиш зарурати пайдо бўлиб қолар экан.

Нима қиламиз ҳаёт ўзи шунақа бўлса...

«Демократия» сўзининг қачон пайдо бўлганини ва биринчи марта қачон қўлланилганини ҳечким аниқ айтиб беролмаса керак.

Лекин маъно ва мазмуни ҳаммага маълум.

«Демос» — халқ.

«Кратос» — давлат, ҳокимият, бошқарув.

1983 — йилда Тошкентда нашр қилинган русча — ўзбекча луғатдан ҳам кўчирма келтираман: 1. Демократия — халқ ҳокимияти. Халқ оммасига, халққа яқин, ҳамнафас ёки хос бўлган, одамий, содда, халқпарвар сиёсий тузум. 2. Барчанининг тенг ҳуқуқлилиги ва активлигини таъминловчи коллектив сиёсий фаолият усули.

Мисол келтиришларни яна анча давом эттириш мумкин.

Лекин умумий ва асосий мазмун шундоғам кўриниб тургани учун, шу ерда бас қиламиз.

Демократияни бошқа тушунчалар билан чалқаштириб бўлмайди.

Демократия — ўзининг барча тамойи-

иллари билан фақат ва фақат халқ манфаатларини кўзлайди.

Ўзбек тилидаги кўплаб саҳифаларни кўздан кечириб, бу саҳифалар эгалари қандай ўйин олиб бораётганларини ҳам тушунолмай қоласиз.

Бугунги кун ўзбекистонда диктатура. Демократияга бутунлай қарама — қарши тузум ҳукм сураётгани ҳечкимга сир эмас.

Диктатура бўлгандаям... бўзгигача ўзи бошқараётган халқнинг беғуноҳ қонларига боғган, тўғри маънода ўта жинояткор диктатура.

Шу ерда бир гапни таъкидлаб қўйишга тўғри келади: Дунёда диктаторлар оз эмас. Лекин Францияда суд ҳукми билан расман тасдиқланган ягона диктатор — бизнинг диктаторимиз ҳисобланади! Суд жараёнида унинг диктаторлигини ва ваҳшиёна ишларини очиб ташлаган икки ўзбек аёлининг, Муътабар Тожибоева билан Надежда Атаеваларнинг мардликларини ҳам таъкидламай ўтолмаймиз. Шу икки аёл, тан бериш керак, не — не азамат йигитлар қилолмаган ишни қиладилар!

Ана энди, демократия тушунчасини ҳам суйиистеъмол қилиб, ўзбекистон давлат бошлиқлигига, унинг атрофида ялтоқланиб юрганларга мадҳиялар тўқувчилар, ўзингизни бемалол

кўрсатиб, ашулангизни давом эттиравешингиз мумкин...

Бир қизик жойи шундаки, гоҳ сохта президентга, гоҳ унинг қизларига, гоҳ кўзга кўринган



ялоқхўрларидан бири — Мирзиёевга ёки Азимов деганларига ва бошқа шунга ўхшашларга маддоҳона «асарлар» битиб юрганлар ўз қилмишларини «демократик тамойилларга асосланиб...» дея ўз қилмишларини оқлаб ҳам қўядилар...

Жаноблар, мен сизга ачинаман!

Ҳолингиз чиндан ҳам ачинарли...

Билиб қўйинг, албатта, сизга ишонадиган соддадиллар ҳам, алдовингизга, етовингизга юрадиганлар ҳам топилиши мумкин. Лекин ҳаммани тўғри, ҳалол кураш йўлидан қайтараолмайсиз.

Бу — аниқ.

қайтариб айтаман, фақат халқ манфаатларига, адолатга, ҳақиқатга хизмат қиладиган тамойилларгина ҳақиқий демократик тамойил ҳисобланади.


Демократия билан анархиянинг ҳам фарқини билиб олинг!

Ўз уринишларингиз билан халқни чалғитаман деб ўйламанг!

Ҳалқ ва ҳақ чалғимайди!

Ёдгор Обид

ЎҒРИДА ҲЕЧ ГУНОҲ ЙЎҚМИ?



Афандининг уйини ўғри урибди. Бундан хабар топган қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар Насриддин хўжанинг уйига йиғилишибди.

Улардан бири:

-Айб ўзингизда Афанди, уйни яхши қулфламаганмиз, дебди.

Иккинчиси:

-Бу замонда уйни қаровсиз қолдириб кетиб бўладими? Уйда биров бўлиши керак эди. Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмадингизми, дебди.

Учинчиси:

-Қўшниларга тайинлаб қўйишингиз керак эди. Шунга ҳам билмас экансизда, дебди.

Яна бири:

-Уйда ҳамма нарсани сақласа шундай бўлади. Афанди тадбир олмагансиз, дебди.

Уйига ўғри тушганидан хуноб бўлиб турган Афандига бу койишлар оғир ботибди ва шундай дебди:

-Ҳамма гуноҳ менда бўлса, ўғрида ҳеч гуноҳ йўқми?

Насриддин Хўжа латифаларидан



Гулноза Сайдазимова
26.04.2006

Рўйхатга олинмаган «Эрк» Демократик партияси Ўзбекистонда 2007 йилда бўладиган президентлик сайловига ўз номзодини тақдим этди. Бироқ, амалдаги қонунларга биноан, Солиҳ президентлик учун беллаша олмайди: у конституция талабига кўра, президентлик сайловига қадар кейинги ўн йил ичида Ўзбекистонда яшамаган, шунингдек, у 1999 йилда экстремизмда айбланиб, сиртдан узок йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган. «Эрк» партияси Солиҳни сайловда қатнаша олиши учун бу каби тўсиқларни енгиб ўта оладими?

ПРАГА, 25 апрель 2006 йил (RFE/RL) — «Эрк» Демократик партияси 2007 йилда бўлажак президентлик сайловига номзод сифатида ўз лидери Мухаммад Солиҳни тавсия этди. «Эрк» Демократик партияси бош котиби Отаназар Ориповнинг баёнотига кўра, партия Марказий Кенгаши 2007 йилги президентлик сайловига номзод сифатида кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Бироқ, Солиҳ номзод бўлиши учун бир қанча тўсиқликлар бор. У 1993 йилдан буён мухожиротда яшаётгани боис расман номзод бўла олмайди. Чунки мамлакатдан ташқарида ўн йилдан ортиқ вақт яшаган киши президентликка ўз номзодини қўйиши амалдаги қонунларга кўра таъқиқланган. Шунингдек, Солиҳ сиртдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва Ўзбекистон ҳукумати учун унинг номи қидирувдаги кишилар рўйхатида турибди.

Айни пайтда Европада яшаётган Мухаммад Солиҳнинг «Озодлик» радиосига айтишича, у Ўзбекистонни ўз ихтиёри билан тарк этмаган. «Мен ҳаётим хавф остида қолганлиги туфайли, кучли босимлар остида бу ишни қилдим», деди у.

Суд ҳукми эса асосланмаган.

«Биз ҳозир 1999 йилда чиқарилган маҳкама қарорини (мени экстремизм бўйича айбли деб топишган) асосизлигини исботлаш учун ҳаракат бошлаганмиз. Бу иш айни пайтда БМТнинг Женевадаги Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмитасида кўриб чиқилмоқда. Қўмита мени аризамни қабул қилиб олди ва Ўзбекистон судига чақирув хати йўллади, ҳозир Ўзбекистон ҳукуматидан жавоб кутмоқда. Агар сайловга қадар бу иш кўриб чиқилса, мен Ўзбекистонга қайтиб бориб, бу сиёсий тадбирда қатнашиш имкониятига эга бўламан», дейди Мухаммад Солиҳ ўзига қўйилган айблов ҳақида.

Шоир ва сиёсатчи Мухаммад Солиҳ

ЎЗБЕКИСТОН: «ЭРК» ПАРТИЯСИ ЎЗ НОМЗОДИНИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАҚДИМ ЭТДИ

Ўзбекистон сиёсий саҳнасида собиқ Совет Иттифоқи пайтида, 1980 йиллардаги Михаил Горбачёвнинг «қайта қуриш» сиёсатидан сўнг пайдо бўлган. Кўпгина муаммолар ичида, у ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини талаб қилиб чиққанди. Шунингдек, у Ўзбекистондаги пахтачилик ва ғаллачилик маданиятлари билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги муаммолари ҳақида гапирганди.

У ўзбек ёшлари ичида кўп ўтмай таниқли шахсга айланди ва 1988 йилда «Бирлик» ҳаракатини ташкил этди. Орадан бир йил ўтиб, 1989 йилда расман рўйхатга олинган «Эрк» партиясини ташкил этиш мақсадида Солиҳ «Бирлик»дан чиқди. Солиҳ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонунчилик органи Олий Кенгаш депутати бўлди. У 1990 йилда Ўзбекистон Парламенти кун тартибига «Мустақиллик Декларацияси»ни олиб чиқди ва овозга қўйди. Мустақиллик декларацияси ўша пайтда Ўзбекистон ССР коммунистик партияси раҳбари бўлган Ислон Каримовнинг қаршиликларига қарамадан, кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Ушбу ҳужжат 1991 йилнинг 31 августида қайтадан эълон қилинган Совет Иттифоқидан Ўзбекистонни мустақил бўлиши йўлидаги дастлабки ҳуқуқий қадам эди.

Каримов билан беллашув

1991 йилги президентлик сайловида Солиҳ Каримов билан беллашди. Амалдорлар Каримовни «ғолиб» деб эълон қилишди, Солиҳ, расмий маълумотларга кўра, 12,7 фоиз овозга эга бўлган. «Эрк» партияси сайловлар сохталаштирилганини таъкидлайди.

Солиҳ 1993 йилда ҳукумат қатағони ва босимлар остида Ўзбекистонни тарк этди. «Эрк» қайтадан рўйхатга олинмади ва унинг фаолияти Ўзбекистонда ноқонуний, деб эълон қилинди.

Тошкентда 1999 йилнинг феврал ойида 16 киши ҳалок бўлган портлашлардан сўнг «Эрк» лидери экстремизмда айбланиб, сиртдан суд қилинди ва 15 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ўзбекистон ҳукумати уни 1997 йилда Ўзбекистон Ислоний Ҳаракати раҳбари билан тушган суратини далил сифатида келтириб, уни УИХ билан тил бириктирилганликда айблади.

УИХ 1990 йилнинг охирида Каримов режими ағдариб ташлаш ва Марказий Осиёда халифалик ўрнатиш мақсадида ташкил этилган. УИХ 2000 йилдан бошлаб АКШ Давлат Департаментининг Террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Солиҳ ўзини ҳар қандай террорчилик ҳаракатида иштирокини қатъий рад этди. Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил ташкилотларга кўра, Солиҳга қарши қўйилган айблов сиёсий сабабларга эга.

Мавжуд ҳуқуқий тўсиқларга қарамай, Солиҳ Ўзбекистондаги сайловчилари қўлловига эга бўлиши мумкин. Баъзи бир кузатувчиларнинг айтишларича, Ўзбекистон ташқарисида

13 йилдан буён яшаётган Солиҳ мамлакат ичида у қадар таниқли эмас.

Канадада мухожирликда яшаётган ўзбекистонлик мустақил журналист Алимардон Аннаев бу борада шундай дейди: «Мен билан суҳбатлашган кишилар фикрларидан келиб чиқиб ва журналист сифатида айтишим мумкинки, мен билан тенгдош, ёши қирқларга борган кишилар, Каримов режимига қарши тура оладиган куч борлигига ишонмай қўйишган. «Эрк» ёки «Бирлик», улар ҳоҳ маъмурий, ҳоҳ иқтисодий ёки сиёсий бўлсин, Каримов ислохотларига муқобил дастурни ишлаб чиқиш даражасида эмаслар. Чунки амалдаги ҳукумат олиб бораётган ишлар улларга маълум».

Бироқ Мухаммад Солиҳ ўзининг партияси Ўзбекистонда жуда ҳам кўп тарафдорларга эга эканлигини таъкидлайди. «Эрк» лидерининг фикрига айни пайтда мухожирликда яшаётган ўзбек журналисти Юсуф Расул қўшилишини билдирди. У Ўзбекистонда бундан кейин ким президент бўлиши борасида сўровнома ўтказган «Исёнкор» интернет саҳифасига раҳбарлик қилади: «Сўровномада икки ой давомида амалга ошириш», дейди Юсуф Расул. Унинг фикрича, сўровномада қатнашган кишиларнинг саксон фоизи Солиҳни бўлажак президент деб билишди. Каримов сўровномада атиги 4 фоиз овоз олган, 15 фоиз овоз берганлар бошқа кишини президент сифатида кўришни исташди».

Бироқ, Юсуф Расулнинг таъкидлашича, «Эрк» партиясини бугунги шароитда Мухаммад Солиҳ номзодини президентлик сайловига тақдим этиши ҳеч қандай натижа бермаслиги мумкин. Муҳолифатдаги кучлар ва ўзгача фикрловчилар учун ҳуқуқий асослар йўқлиги ҳар қандай норасмий партия вакилини, жумладан, Солиҳни ҳам президентлик сайловида қатнашишига имкон қолдирмайди. Фақат ягона бир йўл — инқилоб билангина Солиҳ ёки Каримов режимига қарши бўлган бошқа киши президентликка номзод бўлиши мумкин».

«Эрк» сайлов кампаниясини амалга ошириши учун молиявий манбага эгами ёки у Ғарб қўлловига сазовор бўла оладими, бу аниқ эмас. Солиҳ ўтган йилнинг ёзида Қўшма Штатларга ташриф буюрди. У Конгресснинг кўзга кўринган аъзолари ва Миллий Демократия Институтини, Халқаро Республикачилар Институтини, Вашингтонда асос солинган IFES Сайловларга қўмаклашиш Агентлигини каби бир қанча нуфузли нодавлат ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

АҚШлик мулозимлар фикрича, Солиҳнинг Вашингтонга сафари Америка давлат маъмурларини ўзбек муҳолифати билан янги алоқаларини намоён этмайди, бу одатдаги бир учрашувдир. Ушбу баёнот Каримов Америка ҳарбийларини Ўзбекистондаги авиабазадан ҳайдаб чиқармасидан олдин янграган эди.

(Мақоланинг рус тилидаги таржимасига кўра Юсуф Расул ўзбекчалаштирди)

ШИШ ВА САРАТОН (РАК)

“Ички иллатдан

ўлган киши шаҳиддир”

(Ҳадиси шариф)

Илмий тадқиқотларга кўра, инсон вужудда ёмон характерли хужайралар доим пайдо бўлиб туради, лекин даванинг мудофаа тизими, энди ривожлана бошлаган бу хужайраларни тутиб йўқотади.

Иммунитет тизими ҳар қандай сабаб билан заифлашса, саратон хужайралари ривожланиб, кўпайишга бошлайди.

Иммунитет тизими заифлашуви-нинг турли сабаблари бор.

Лекин саратонли хужайраларнинг кўпайиши ва шиш пайдо бўлишидаги асосий сабаб “Касалликларнинг Бошланиши ва Тарқалиши” бўлимида айтилган сабабдир.

Аввал иммунитет тизими мувоzanати қандай бузилганини кўриб чиқсак:

Зарарли таом ейилган пайтда токсинлар ва қолдиқлар кўпайиб, иммунитет тизими шиддатли реакция бера бошлайди, токсинларни чиқариб юбориш ва қонни тозалаш учун иссиқни чиқаради ва томоқдаги бодомсимон безларини шиширади.

Иссиқ чиқиши билан исиган қон токсинларни теридан тер йўли билан, лейкоцитлар эса метаболизм қолдиқларини эритиб, бодомчалар йиринги билан чиқаради.

Агар киши иссиқ туширувчи дори ва антибиотик ишлатса, бу иммунитет тизими реакциясини таъсирсиз ҳолга келтиради; чиқиши керак бўлган токсин ва қолдиқлар танада яна кўпаяди.

Бу шаклда ҳар қандай зарарли таом ва иммунитет тизимининг ҳар реакциясига дори билан қаршилик кўрсатиш иммунитет тизимини фалокатга олиб боради.

Озиқланиш одати тартибга солилмагунча, бу ҳолат такрорланаверади. Ва иккинчи бир хато қилиниб, сақланиш тизимининг олд томондаги аскарлари бўлган бўғиздаги бодомсимон безлари жарроҳлик билан олдирилади!

Бу ҳолатда «бодомча»ларнинг хизматидан маҳрум қолган иммунитет тизими довдирайди, мувоzanатини йўқота бошлайди.

Нотўғри озиқланиш бундан кейин ҳам тартибга солинмаса, кўричак шишиб яллиғланади. Ва буни тузатаман деб, учинчи хато қилинади: танада шиш пайдо бўлиш жараёнини бошлатган кўричак жарроҳлик билан олдирилади.

Чунки вазифаси ичаклар учун керакли микробларни ишлаб чиқариш бўлган кўричак, иммунитет тизими учун қатта аҳамият касб этади. (Микроблар шиш хужайраларини сикиштириб, бошқаради, соғлом хужайраларни асрайди).

Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Доимий

тарзда сигир ва бузоқ гўшти ейиш садаф (псориаз), пес (вителиго), фил касаллиги (элефантиаз), мохов ва яна бир неча касалликка олиб келади”, деганлар.

Қадимги табиблар моховни барча тананинг саратони сифатида қарашар эди. (“Таомлар” бўлимининг “Гўшт” мавзусига қаранг.)

Бу касалликларнинг сабаблари - энг енгилдан энг оғиригача - бир хилдир.

Мол гўшти ошқозони кам кислота ишлаб чиқарадиган кишиларнинг (қон гурухи “А”) ошқозонида ҳазм қилинмайди, фақат чирийди. Чириган гўшт (ёки ҳар қандай ҳазм бўлмасдан чириган таомлар) қолдиқлари томирларга текилади, аъзоларда ва тери остида тўпланади. Бу қолдиқлар - текилган томирларга қон келмагани, лейкоцитлар билан чиритилиб ташқари чиқарилмагани учун - худди қатта пахта бунтида бўлганидек, ичдан, секин-секин ёниб, кўп миқдорда ёқувчи газ чиқаришга бошлайди.

Тери остидаги ва аъзолардаги қолдиқларнинг ёниши натижасида тўқималар бузилади, қуруқ эгзама, садаф ва вителиго учун замин ҳозирлайди.

Қолдиқлар кўпайиб, ёниш кенгайганда генетик мутациялар, ва натижада шишлар, саратон ёки мохов каби хасталиклар ўртага чиқади. Мол гўшти (қизил гўшт) еган “А” гуруҳлиларда садаф, вителиго ва саратон тез учрайди.

Нобел мукофотини олган немис тадқиқотчиси Отто Варбург 1931 йили саратон келиб чиқишидаги айна механизмга ишорат қилган, саратон хужайраларининг соғлом хужайралардан турли метаболизмсининг бўлгани ва қанднинг саратонли хужайралари озиқланганини тадқиқотида кузатганди.

Хужайраларда тўпланган ортикча қанд, юқорида айтганимиз каби ёна бошлайди, ва қаттайтириш факторини (IGF-1) орттиради.

Кишиларда касалликларнинг даволанишида ишлатилган ёки сут маҳсулотларини орттириш учун сирларга берилган семиртириш гормони танадаги қаттайтириш факторининг миқдорини ҳам орттиради.

Вужудда анормал шаклда ортган IGF-1, тўқималарда хужайра кўпайишини бошқарувсиз орттириб саратонга сабаб бўлади.

Бошқа саратон сабаблари учун “Кўшимча моддалар”, “Дорилар” ва “GMO” бўлимларига қаранг.

Иммунитет тизими вужуддаги қолдиқлардан қутулиш учун, уларни бир неча жойга тўплаб, ёқа бошлайди. Натижада шишлар, бир нуқтада эмас, тананинг кўп жойида бир пайтда бошланиб, кўпая боради.

Ҳар бир шиш - ўша қолдиқларни ёқаётган “энергия маркази”дир.

Бу шишларнинг фақат маълум қатталиқка келганлари ташхис этилиши мумкин.

Ташхис этилган бир шиш жарроҳлик билан олинганида, “ёқилғи” мажбуран бошқа шишга йўналтирилади ва шиш қаттая бошлайди.

Кимётерапия қилинганда, иммунитет тизими ишдан чиққани учун, шиш (саратон) чиқиши бир муддат тўхтайд.

Иммунитет тизими ўзини тиклаб, жонлана бошлаганида, саратон такрор, янада қатта тезлик билан ривожлана бошлайди.

Бундай бўлиши табиий, чунки кимётерапия билан берилган ва бутун хужайраларни тўлдирган “ҳашорат дориси” - “энергия марказлари” учун битмас-тугамас ёқилғи манбаи бўлади!

Бу сабабли, бир шишга жарроҳлик билан аралаштиш фойда эмас, аксинча, зарар беради.

Қатта шишлар фақат танада саратон жараёни тўхтатилгандан кейин олинishi мумкин.

Тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, ҳар қандай органда бирор шиш пайдо бўлган касалларнинг барчаси ўтмишида кўп антибиотик, ҳарорат туширувчи ишлатган, бодомсимон безлари ва кўричагини жарроҳлик билан олдириб ташлаганлардир.

Малярия, иситмали хасталикларга учраб, ҳарорати туширилмаганлар ҳеч қачон саратон билан касалланмаганини тасбит этилгандир. Чунки бу ҳолатда юксак ҳарорат вужуддаги қолдиқларни ташқарига чиқариб ташлайди.

“Саратон” ташхисидан тез-тез хато қилинмоқда. Чунки саратон ташхиси қўйилиб, бу китобда айтилган курсларни бажарганларнинг 90% ҳатто 95% соғайишмоқда.

Ҳақиқий саратоннинг эса давоси йўқ.

Аммо қўйилган ташхис тўғри ёки янглиш бўлсин, фарқи йўқ, саратон давоси кўриб, кимётерапия берилганларнинг барчаси саратонга номзоддирлар.

Саратон (рак) ва шиш (гурра)лар даволаниши

Шишнинг ёйилишини тўхтатиш учун:

7 кун давомида ҳар тонг кетма-кет 3-4 марта лимон ёки грейфрут суви ичилади.

Кун давомида очикқанда, газанда, сачратқи, ёввойи семизўти, исмалоқ каби турли яшил баргли сабзавотлардан бири ёки пиёзнинг суви сикилиб қизил лавлаги суви билан қориштирилиб, хоҳлаган миқдорда ичилади.

Ҳар кеч 50 гр саримсоқли зайтун ёғи + 50 гр лимон суви аралашмаси ичилади.

(Давоми кейинги саҳифада)

ШИШ ВА САРАТОН (РАК)

Хар тонг ярим чой қошиқ майдаланган шувокўти, тушда бир ош қошиқ ёнғоқ суви бир стакан сув билан, хар оқшом ярим чой қошиқ майдаланган қалампирмунчоқ сув билан ичилади. 7 кун тугар-тугамас 3 кун очлик тутгандан сўнг жигар тозаланиши қилинади. («Жигар тозаланиши, 1-нчи кун» бўлимига қаранг.) Жигар тозалангандан бир ҳафта ўтиб, 7 кунлик оралар билан, жами 7 марта 3 кунлик очлик, 4-нчи ва 7-нчи очликдан кейин, жигар тозаланиши амалга оширилади. Очликлар орасида иккинчи кундан бошлаб, кейинги очликка қадар шувокўти, ёнғоқ суви ва қалампирмунчоқ ишлатилишда давом этилади. Бу 70 кунлик муддатдан 10 кун кейин, бир марта 10 кунлик очлик қилинади. Кейин ҳам 3 ой мобайнида хижрий ойларнинг 13, 14, 15-кунлари 3 кунлик очликлар давом эттирилади. Сўнгра 3 ойнинг охирида такроран 10 кунлик очлик қилинади. 3 кунлик очликлар билан бирга тарам-хожамот бошланади. Хожамот тугагандан кейин 2-3 ҳафта ўтиб, зулук билан даволашга ўтилади, лекин зулук билан даволаш, касалнинг қон ҳолатига ва саратоннинг тарқалишига боғлиқ ҳолда хусусий шаклда қилиниши керак.

Натижани кўриш учун шифокор кўригига бориш мумкин.

Бу курс билан шиш хужайралари ўзгара бошлайди. Бунга боғлиқ бўлган шишлар камайиб, каттайиш ёки ёйилишида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаслиги мумкин. Бу натижалардан асло кўркмаслик керак, чунки очликлар бошланганда, шишнинг зарари таъсири тўхтаган бўлади.

1-нчи жигар тозаланишидан кейин хар тонг бир чой қошиқ майдаланган шувокўти, ярим соат кейин ярим чой қошиқ майдаланган қалампирмунчоқ; тушда бир ярим ош қошиқ ёнғоқ суви бир пиёла сув билан; хар оқшом бир чой қошиқ майдаланган шувокўти, ярим соат кейин ярим чой қошиқ майдаланган қалампирмунчоқ сув билан ичилади.


2-нчи жигар тозаланишидан кейин: тонг - 1,5 чой қошиқ шувокўти, бир чой қошиқ қалампирмунчоқ; тушда - 2 ош қошиқ ёнғоқ суви; оқшом бир чой қошиқ шувокўти, ярим чой қошиқ қалампирмунчоқ, ичишга бошлайди.

3 кунлик очликлар билан бирга хожамот бошланади.

Хожамот тугагандан кейин 2-3 ҳафта ўтиб, зулук билан даволашга ўтилади, лекин зулук билан даволаш, касалнинг қон ҳолатига ва саратоннинг тарқалишига боғлиқ ҳолда хусусий шаклда қилиниши керак.

Бу курс билан шиш хужайралари ўзгара бошлайди.

Бунга боғлиқ бўлган шишлар камайиб, каттайиш ёки ёйилишида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди.



Бу натижалардан кўркмаслик керак, чунки очликлар бошланганда, шишнинг зарари таъсири тўхтади.

Баъзи ҳолларда касал 10 хожамот тугагандан кейин 2-3 ҳафта ўтиб зулук курсига ўтилади, лекин зулук курси, касалнинг қон ҳолатига ва саратоннинг тарқалишига боғлиқ ҳолда хусусий шаклда қилиниши керак.

Баъзи ҳолларда хаста 10 кунлик очликларни, 3 ойлик оралар билан 3-5 марта қилишга мажбур қолади.

Бу 3 ойлик ораларда ҳафтада бир 36 соатлик очликлар қанда қилинмайди. Саратон курсида шувокўти, чиннигул ва ёнғоқ сувининг алоҳида ўрни бор, уларни мутлақо (170 кун) ишлатиш керак. («Паразитлар» бўлимига қаранг.)

Ёнғоқ сувининг тайёрланиши: 2 литрлик банкага (май-июль ойларида терилган) янги ёнғоқ бироз эзиб солинади, усти ботгунча қайнатилиб, совутилган сув тўлдирилади усти ёпилади. Музлатгичда 7 кун тургандан кейин сузилади. Сув ранги қаҳваранг-яшил орасида бўлиши керак.

Мавсум тоза ёнғоқ мавсуми бўлмаса, ўрнига ёнғоқ ичидаги пардалар айнан юқорида кўрсатилган шаклда қўлланилиши мумкин. Фақат сув ўрнига уй сиркаси қўлланилади. Бу қоршиш қоронғи ва илиқ ерда 14 кун сақланади.

Очлик кунларидан ташқари кунларда озикланиш шакли:

1-нчи жигар тозаланишидан кейин очлик ораларида озикланиш шакли:

Эрталаб, 30 гр саримсоқли зайтунёғи ёки 10 гр седана ёғи ичилади.

Эрталабдан тушгача, ҳеч нарса емасдан, мева ёки сабзавотлардан, қай бирининг мавсуми бўлса, 2-4 стакан ўшанинг суви ичилади.

Тушда хоҳлаган янги мева ёки салат ёйилиши ёки хоҳлаганча мева суви ичилиши мумкин.

Аср вақти, таом ейиш мумкин. Оқшом яшил чой, қарағай ниҳоли ёки розмарин чойи асал билан ичилади.

Оқшом 1-2 ош қошиқ кўқарган бугдой ейилади, бунга асал қўшилиши мумкин. Кўқарган бугдойни ейишдан аввал ювишни унутмаслик керак.

Оғир саратон касали бўлганлар таом емасликлари, янги сабзавот ва мева ейишлари керак. Меъда ва ичак саратони бўлганлар эса мевани ҳам емасликлари, мева-сабзавот сувлари ичишлари керак.

Қуйидаги гиёҳлардан хар бири

мукамал бирор озука экани билан бирга, айни пайтда, саратонга қарши дори ҳамдир: занжабил, саримсоқ, пиёз, сабзи, қизил лавлаги, хом исмалоқ, семизўти, индов, петрушка, оқ қарам, брокколи, қовоқ, яшил чой, қарағай ниҳоли, қайин ниҳоли ва розмарин.

Кўқарган табиий бугдой ёки арпани йилнинг хоҳлаган ойида фақат 40 кун мобайнида еб тугатмоқ керак. Аммо энг яхши фойда олмоқ учун энг яхши пайт бугдой ва арпа экини пайтида, яъни, февраль-апрель ойлари дидир.

Қизил лавлаги сувини 50 граммдан бошлаб, кунда 200-400 граммгача кўтариш мумкин. Қизил лавлаги суви илк кунларда бош айланиши ва кўнгил айланишига сабаб бўлиши мумкин. Кўникиш учун сабзи суви билан аралаштириб ичиш керак. Кўниккач 100 гр қизил лавлаги суви + 50 гр сув билан аралаштириб, кунда 4 марта ичилади. Бу аралашмага 50 гр пиёз суви қўшилса яна-да таъсирли бўлади. Турли хил шиш ва саратонга фойда беради.

Сабзи суви, ошқозон ва ичак саратони ва барча шишларга қарши ишлатилади. Чунки саратон, одатда ичаклар касал бўлганда келиб чиқади, яъни ичаклари касал бўлмаган киши саратонга тутилмайди.

Сабзи суви барча саратонларга, хусусан, тери, кўз, мия ва ўпка саратонига қарши мўъжизавий дори ҳисобланади.

Саратон билан оғриган касалнинг 10 кунлик очликлар орасида, ҳафтанинг 2-4 кунини фақат сабзи суви билан ўтказишлари жуда фойдали.

Жигар тозаланганидан кейин, 21, 30 ёки 40 кун фақат сабзи суви ичганлар, кунда 1 ош қошиқ янги майдаланган седанани 50-60 гр. тоза асал аралаштириб еганлар, кейин 10 кун оч қолганлар, кейин тоза сабзавот ва мева еганлар мукамал бир сихҳатга соҳиб бўлишлари мумкин.

Сабзи суви кунда 400 гр.дан 1.5 литргача ичилиши мумкин.

Сабзи сувига кунда 200-250 гр. пиёз суви қўйиш яна-да таъсирлидир. Ушбу дорилар саратон яраларига ҳам ишлатилиши мумкин. Фақат ёғли қоғоз ўрнига пахтали мато билан ёпилади.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Йўлдош